

**«Шахрисабз вино-арок» акциядорлик жамияти
кузатув кенгаши мажлиси
8-сонли БАЁННОМАСИ**

2016 йил 28 июль

Тошкент шаҳри
Абай кўчаси, 6-уй, соат 11-00

Мажлисда қатнашганлар:

З.Якубов	-	Кузатув кенгаши раиси;
Ш.Садиков	-	Кузатув кенгаши аъзоси;
Т.Казаков	-	Кузатув кенгаши аъзоси;
К.Худайбердиев	-	Кузатув кенгаши аъзоси;
О.Фармонов	-	Кузатув кенгаши аъзоси.

Кузатув кенгаши раиси З.Якубов мажлисда кузатув кенгашининг 5 аъзоси катнашаётганлигини, кворум 100 фоизни ташкил этишини таъкидлаб, мажлис ўтказилиши ваколатли деб ҳисобланишини маълум қилди ва йиғилишни очик деб эълон қилди.

Йиғилиш кун тартиби:

1. Ўзбекистон Республикаси Қашқадарё вилояти Китоб туман ички ишлар бўлимининг 2016 йил 25 июлдаги №56/4276 сонли хабарномаси ҳақида.

2. “Ўзвиносаноат-холдинг” холдинг компанияси акциядорлик жамиятининг 2016-йил 28 июлдаги №11/1577 сонли ҳати ҳақида.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан кузатув кенгаши раиси З.Якубов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Қашқадарё вилояти Китоб тумани ички ишлар бўлимининг 2016 йил 25 июлдаги №56/4276 сонли хабарномасини ўқиб эшиттирди. Унга кўра ҳозирда жамият бошқарув раиси вазифасини бажарувчиси бўлиб ишлаб келаётган Ғуломов Саъдулло Имомович жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят судининг 2016 йил 20 апрель кундаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “в” банди билан судланиб, ЖКнинг 45-61-моддалари қўлланилиб, 2 йил муддатга моддий жавобгарлик ва мансабдорлик лавозимида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, энг кам ойлик иш ҳақининг 600 баробари миқдорда, яъни 37 752 000 сўм жарима жазоси тайинланган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Ижроия Кодексининг 23 моддасига биноан хабарнома олинган кундан бошлаб 3(уч) кун муддат ичида Ғуломов Саъдулло Имомовични эгаллаши ва шуғулланиши ҳуқуқидан маҳрум этилган лавозимидан ва меҳнат фаолияти туридан озод қилиниши, Китоб туман ички ишлар бўлимига суд ҳукми талаблари ижро этилгани тўғрисида тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда хабарнома йўлланиши ва Ғуломов Саъдулло Имомович билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиб, бу ҳақида туман ички ишлар бўлимига хабар берилиши лозимлиги сўралган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Ижроия Кодексининг 24 моддасига биноан хабарнома олинган кундан бошлаб 3(уч) кун муддат ичида Ғуломов Саъдулло Имомович эгаллаши ва шуғулланиши тақиқланган фаолият тури учун берилган рухсатномани бекор қилиб, тегишли ҳужжатларни олиб қўйишга, моддий жавобгарлик ва мансабдорлик вазифасидан озод этилганлиги ҳақидаги буйруқни илова қилган ҳолда туман ички ишлар бўлимига ёзма равишда хабар қилиниши сўралган.

Шунга кўра, суд ҳукми талабларини ижро этиш мақсадида ҳозирда «Шаҳрисабз вино-ароқ» акциядорлик жамияти бошқарув раиси вазифасини бажарувчиси Ғуломов Саъдулло Имомович билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги таклиф киритилди.

**Мазкур таклиф кузатув кенгаши аъзолари ўртасида овозга қўйилди:
Тарафдор-5 киши, қаршилар- йўқ, бетарафлар- йўқ.**

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан кузатув кенгаши аъзоси Ш.Садиқов сўзга чиқиб, жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят судининг 2016 йил 20 апрель кундаги ҳукмига ва Қашқадарё вилояти Китоб тумани ички ишлар бўлимининг 2016 йил 25 июлдаги №56/4276 сонли хабарномасига кўра ҳозирда «Шаҳрисабз вино-ароқ» акциядорлик жамияти бошқарув раиси вазифасини бажарувчиси бўлиб ишлаб келаётган Ғуломов Саъдулло Имомович билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги туфайли “Ўзвиносаноат-ҳолдинг” холдинг компанияси акциядорлик жамиятининг 2016 йил 28 июлдаги № 11/1577 сонли хати билан жамият кузатув кенгаши аъзоларини таништириб ўтди.

Унга кўра ҳозирда «Шаҳрисабз вино-ароқ» акциядорлик жамияти қошидаги винпункт мастери лавозимида ишлаб келаётган Рузиев Содикжон Жалоловични, жамиятда навбатдан ташқари умумий йиғилиш ўтказилгунга қадар, бошқарув раиси вазифасини вақтинчалик бажарувчиси этиб тайинлаш ҳақида тавсия берилган.

Ушбу номзодни тайинлаш масаласи кузатув кенгаши аъзолари орасида овозга қўйилди.

Тарафдор-5 киши, қаршилар- йўқ, бетарафлар- йўқ.

Кун тартибига қўйилган масалалар муҳокамаси ва таклифларни инобатга олиб, жамият кузатув кенгаши аъзолари йиғилиши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1.“Шаҳрисабз вино-ароқ” АЖ бошқарув раиси вазифасини бажарувчиси бўлиб ишлаб келаётган Ғуломов Саъдулло Имомович билан тузилган меҳнат шартномаси Ўзбекистон Республикаси меҳнат кодексининг 106 моддаси 3 бандига асосан 2016 йилнинг 28 июль кунидан бошлаб бекор қилинсин.

2.“Шаҳрисабз вино-ароқ” АЖ бошқарув раиси вазифасини вақтинчалик бажарувчиси этиб ҳозирда жамият қошидаги винпункт мастери лавозимида ишлаб келаётган Рузиев Содикжон Жалолович, жамиятда навбатдан ташқари умумий йиғилиш ўтказилгунга қадар, тайинлансин ва у билан белгиланган тартибда меҳнат шартномаси тузилсин.

Кузатув кенгаши раиси:




З.Якубов

Кузатув кенгаши аъзолари:



Ш.Садиқов

Т.Казаков



К.Худайбердиев



О.Фармонов